

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ, ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 81 (312)

24

АПРЕЛЬ

ЯҚШАНБА

1955 йил

БАҲОСИ

20 ТИПИН.

Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва
шон-шухратининг қал'аси, бутун дун'да тинчлик-
нинг мустақкам таянчи—улў Совет Социалистик
Республикалари Иттифоқи!

Яшасин коммунизм қураётган улў совет халқи!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Комсомол ташкилотларига партия раҳбарлигини кучайтирайлик

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май мубоабати билан чиқарган Чақириқлари борча совет кишиларини, шу жумладан совет ёшларини социалистик Батанимларинг куч-қудратини янада мустақкамлаш учун зўр ғайрат билан курашга руҳлантириш.

— Йигитлар ва қизлар, шонли совет ёшларимиз! Хўжалик ва маданий инти-моий-сиёсий ҳаётида актив қатнашингиз! Илғор фан ва техника муваффақиятларини нунт билан ўрганингиз, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши билимларини эгаллангиз! Мамлакатимизда коммунизм улў ишининг ғалабаси учун курашда саботли ва дадил бўлингиз!

Совет ёшларининг илғор отряди бўлган Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчиси сифатида давлат, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда ва партия сўёбатини амалга оширишда ҳаммавақт актив роль ўйнаб келди ва бунадан кейин ҳам шундай бўлиб қолди.

Комсомоллар саноат қорхоналарида ва қишлоқ хўжалигида умумхалқ социалистик мубоабаксининг олдинги сафларида келдилар. Саноат қорхоналарининг комсомоллари бешчиқ бешчиқлаш планни мудатидан илгари бажариш учун, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ташкилотларни камайтириш учун, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва иш унумини ошириш учун зўр бериб курашмоқдалар. Қишлоқ ёшлари КПСС Марказий Комитети январи Пленуми қарорини амалга ошириш учун курашда олдинги сафда бормоқдалар.

Ўзбекистон комсомолли пахта учун, сув учун, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш учун курашда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатди. Мирашўнинг бешчиқ ерларини ўзлаштириб, пахта майдонларини айлантиришнинг ташаббусчиси ҳам комсомоллар. 1955 йилда областимиз пахтакорлари олдин турган улуғвор вазифаларини амалга оширишда Ленин комсомолли актив роль ўйнамоқда.

Комсомолнинг кучи — партия раҳбарлигидан. Партия ва Дўкуматизмининг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорларидан кейин қишлоқда партия ташкилотларининг иши қайта қурилади. Болхоз, совхоз ва МТС бошлангич партия ташкилотларида раҳбарлик ишлари янча яхшиланди. Район партия комитетининг МТС зоналаридаги инструкторлари, группаси, район комсомол комитетларининг МТСлар бўйича инструкторлари комсомол ташкилотлари секретарларининг ишини яхшилашга, уларнинг иш планини тузишга, ёшлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларини муваффақиятли равишда олиб боришга яқиндан ёрдам бераётдилар.

Верхне-волжск район партия комитети бу соҳада анчагина яхши иш қилди. Район партия комитетининг секретарлари, қолхозларга биржитиб қўйилган райком инструкторлари комсомол ишлари билан истеъмолли равишда шуғулланмоқдалар. Райком ходимлари қолхозларда, бригадаларда бўлганларда комсомол-ёшларнинг иши, ўқини ва турмуши билан яқиндан танишдилар, керак бўлиб қолганда уларга тегишли ёрдам кўрсатдилар.

Район партия комитети комсомол ва ёшларнинг қиммати ташаббусларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаётганини учун ёшларнинг қўнчилиги қолхоз ишлаб-чиқаришида ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Район комсомоллари қолхозлардаги фойдаланилмай ётган ерлар ҳисобига маккажўҳори майдонини кенгайтиришни тақдир қилдилар. Район партия, совет ташкилотлари бу ташаббусни дарҳол қўллаб-қувватладилар. Натигада комсомол-ёшларнинг кучи билан белгиланган миқдордан бирми баравар кўпроқ ерга маккажўҳори ешилди. Комсомолларнинг ташаббуси билан ёш тракторчилар тайёрлаш курси ташкил этилди. Қурсда ўнлаб қолхозчи ёшлар янги касбини ўрганишлар, Ўзбекистонда районли тракторларнинг яридан кўпрогини комсомол-ёшлар моҳирлик билан бошқармоқдалар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

О. А. Белова, Е. А. Четвериков, Ф. В. Колесников, И. М. Зверев
ва И. Г. Сучков ўртоқларини Ленин ордени
билан мукофотлаш тўғрисида

Пажимий-сиёсий фаолиятининг эзлик йиллиги мубоабати билан ва революцион ҳаракатдаги актив иштирокини тақдирлаб қўйидагилар мукофотлансин:

- Ленин ордени билан
1. Олга Алексеевна Белова.
 2. Ефим Афанасьевич Четвериков.
 3. Фёдор Васильевич Колесников.
 4. Иван Михайлович Зверев.
 5. Пасиф Гаврилович Сучков.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.
Москва, Кремль.
1955 йил 22 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ В. А. Аникинини Ленин ордени билан
мукофотлаш тўғрисида

Ўртоқ В. А. Аникин пажимий-сиёсий фаолиятининг эзлик йиллиги мубоабати билан ва унинг революцион ҳаракатдаги

актив иштирокини тақдирлаб, ўртоқ Василий Арсентьевич Аникинин Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.
Москва, Кремль.
1955 йил 23 апрель.

Совет халқи В. И. Ленин туғилган кунни тантанали суратда нишонлади

Совет халқи меҳнаткашларининг улў йўлбошчиси, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 85 йиллигига тантанали суратда нишонлади.

Жамоат биноларида, завод ва фабрикаларининг корпусларида, темирйўз станцияларида, сув пристанларида, вокзалларда, СССР ҳарбий ва савдо флоти кемаларида, турар уйларида 22 апрельда Давлат байроқлари кўтарилди.

Завод ва фабрикаларининг цехларида, қурилишлари, минстракларда ва пойтахтдаги бошқа муассасаларда, Москва гарнизонининг ҳарбий қисмларида мингларча агитаторлар Владимир Ильич Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, Ленин ўзмас идеяларининг тантанаси тўғрисида кечалар, суҳбатлар ўтказдилар.

Москва шаҳридаги 25 районининг ҳаммасида шонли кун арафасида меҳнаткашлар вақилларининг тантанали йиғилишлари бўлиб ўтди, академиялари, институтлари ва кўчма сессиялар, мактабларда пионерларнинг тантанали сбирлари ўтказилди. Владимир Ильич билан учрашган кеска революционерлар шу кунларда В. И. Ленин тўғрисидаги хотираларини меҳнаткашларга айтиб бердилар.

Кеча В. И. Ленин Марказий музейи ва СССР Давлат революция музейи залларида кишилар айниқса кўн бўлди. Москва-лардан ва бошқа жойлардан келганлардан 500 дан ортиқ киши 22 апрельда автобусларга тушиб, Ленинни оёлатилган жойларга тамоша қилдилар. Улар орасида Москва Давлат университетининг студентлари, шина заводи ишчилари, бир группа ўқитучилар, Москва уезининг темирйўзчилари, бирқанча министрликларнинг ходимлари бор эди.

Совет Украинсининг меҳнаткашлари бутун халқимиз билан бирга шонли кунни тантанали суратда ва қўнчи билан нишонладилар. Владимир Ильич туғилган кунининг 85 йиллигига бағишланган Киевда тантанали йиғилиш бўлди. Украина КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Д. Назаренко «Ленин идеяларининг ғойибона кучи» деган темада доклад қилди.

Белоруссия пойтахти—Минскда В. И. Ленин туғилган кунининг 85 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Белоруссия КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Т. С. Горбунов доклад қилди.

Тбилисда партия, совет ва жамоат ташкилотларининг Закавказье ҳарбий округи ҳарбий қисмлари вақиллари билан биргаликда тантанали мажлис бўлди. Батумида инсониятнинг буюк генийи Владимир Ильич Ленинга ҳайкал очилди. Горида ва Махарадзеда Ленин ҳайкаллари та бойдевор қўйиш маросимлари бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари халқимизни янги ғалабаларга руҳлантирмоқда

1 МАЙ ОЛДИДАН

ЧПРЧҚ, 23 апрель. (ЎзТАГ). Сталин номи Чирчиқ электрохимия комбинати коллектив биринчи Май вахтасида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Смена бошчилиги, СССР Олий Советининг депутати Анна Маслованинг ташаббуси билан технология процессини а'зо даражада бошқариш учун мубоабқа бошланган эди. Бу мубоабқада синтез колонналарининг лғор аппаратураларида Назумова, Побережская, Шиянова ва Гогул ўртоқлар яхши натижаларга эришдилар. Улар шу йилнинг бошдан буюк юз минг киловатт-соатдан ортиқ электр қуввати тежадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май мубоабати билан чиқарган Чақириқлари комбинат ишчилари ва мутахассисларининг меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Чирчиқ химиклари кеча Андижон областининг қолхоз ва совхозларга планлан ташқари 400 тонна аммияк селитраси юбордилар.

Май ойи ҳисобига ишламоқдалар

Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёзилган саноати министрлигига қарашли Чкалов номида завод коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1 Май мубоабати билан чиқарган Чақириқларини меҳнатда янги ғалабалар билан қўнчи эди. Қорхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари улў байрамни ишлабчиқаришда мубоаб меҳнат совғалари билан қўнчи олиш учун курашиб, яхши натижаларга эришдилар. 4 ойлик давлат планни мудатидан янча илгари бажарилиди. Шу кунларда коллектив май ойининг яқинчи ярим ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг худди шу даражасига нисбатан 24 процентга яқин ошди, тайёрланган маҳсулотнинг танқарига 8 процент камайди, 15 минг сўмлик хомаш' ва ёрдамчи материаллар тежанди.

Б. ИМОНОВ.

Шунингдек Олмаотада, Ригада, Ташкентда, Вильнюсда, Фрунзеда, Таллинда, Кишиневда, Петрозаводскда ва бошқа иттифоқи республикаларининг пойтахтларида, Якутскида, Пошкар-Ола, Хабаровск, Новосибирск, Молотов, Челябинск, Томск, Куйбишев ва бошқа шаҳарларда ҳам Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 85 йиллигига бағишланган тантанали мажлислар бўлиб ўтди.

Кокшетау қишлоғи ва бошқа қўнчи қишлоқлар (Татаристон АССР) деҳқонларини бирлаштиручи Ленин номи қишлоқ хўжалик артелининг қолхозчилари ва интеллигенцияси буюк йўлбошчи туғилган кунининг 85 йиллигига тантанали нишонладилар. В. И. Ленин 1887—88 йилларда сиёсий сургунда бўлган вақтда ишлаган ва ҳозир тикланган фойдала Ленин номидаги республика кутубхонаси филиали очилган, Кокшетаудаги (ҳозирги Ленино) уйга ҳарйили минглаб экскурсиячилар келиб турибди. Кеча Ленин номи қолхоз қаўбиде тантанали йиғилиш бўлди.

Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларидан кўн экскурсиячилар, Шүшенское райоичини (Брянсксое ўлкаси) мингларча қолхози ва интеллигенция вақиллари шу кунларда Шүшенскоедаги В. И. Ленин уй-музейини бориб кўридилар.

Кеча Иркутск аҳолисида мингларча кишилар шаҳар марказида ўнатишган Владимир Ильич ҳайкали олдида боришлар. Пионерлар буерда тантанали сбир ўтказдилар, ҳайкал ёнига тузалар қўйилар.

Мамлакатнинг ҳамма шаҳарлари ва қишлоқларида бу шонли кун улў халқ байрамидек ўтди. (ТАСС).

ЛЕНИНГРАД, 22 апрель. (ТАСС). Бутун С. М. Киров номи академик опера ва балет театрида КПСС Ленинград област ва шаҳар комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари област ва шаҳар Советлари ижорона комитетлари, област қасаба совхозлари Совети, ВЛКСМ област ва шаҳар комитетларининг партия, совет, жамоат ташкилотлари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти қисмлари вақиллари билан биргаликда В. И. Ленин туғилган кунининг 85 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Зал саноат ва транспорт новаторлари, партия, совет, қасаба совхоз ва комсомол ходимлари, Совет Армияси жангчилари, фан, маданият, сан'ат арбоблари билан тузди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'золари гоат батал руҳ билан факрий президиумга сайланди.

КПСС Ленинград шаҳар комитетининг секретари И. К. Замчевский В. И. Ленин туғилган кунининг 85 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Мажлис охирида катта концерт қўйиб берилди.

ҚОЗОН, 22 апрель. (ТАСС). Татаристон меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 85 йиллигига кент нишонламоқдалар.

Қозон драма театрида шаҳардаги партия, совет ва жамоат ташкилотлари вақилларининг ана шу шонли кунга бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилишда КПСС Татаристон област комитетининг секретари ўртоқ Батиев доклад қилди.

Йиғилишнинг тантанали қисминдан кейин И. Поповнинг «Они!» пьесаси кўрсатилди.

Чистополяда, Зеленодольскда, Бугульмада, Альметьевскда ва Татаристоннинг бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларида В. И. Ленин туғилган кунининг 85 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва йиғилишлар бўлиб ўтди.

ПЯТИГОРСК, 22 апрель. (ТАСС). Шаҳардаги қорхоналар, санатория ва муассасаларда уч мингдан ортиқ агитатор Владимир Ильич Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўзлаб бермоқда. Кутубхоналарда В. И. Ленин асарлари ва улў дохи тўғрисидаги китоб виставкалари очилди.

Шаҳарда В. И. Ленин туғилган кунининг 85 йиллигига бағишлаб йиғилиш ва кечалар ўтказилмоқда. Педагогика институтда студентлар илмий жамиятининг конференцияси бўлди. Бу конференцияда «Россия—ленинизм ватани» ва «Лениннинг давлат тўғрисидаги та'лимоти» деган темада доклад қилинди.

Л. М. Каганович номи Люблино қўнчи-механика заводида (Москва области) икки кун давомида (20 ва 21 апрель) «Совет социалистик давлати» деган темада назарий конференция ўтказилди. Бу конференция Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 85 йиллигига бағишланди.

Марказий лабораториянинг бошлиги Фёдоров, завод бошқармаси партия ташкилотининг секретари Панкин, экономист Лопарева, меҳнат ва ишқани бўйиминист бошлиги Рошин, бухгалтер Важнецов, инженер Халкелович доклад қилдилар.

Конференцияда завод бошқармаси коммунислари ва партиясиз ходимларидан 100 киши қатнашди.

Бундай конференция Люблино темир йўз узелида ҳам ўтказилди. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Министрлар Совети 1942 йил 26 майда тузилган Англия-Совет Шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги тақдирини 1944 йил 10 декабрда тузилган Франция-Совет Шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги тақдирини СССР Олий Совети Президиуми тақдир этганлиги ҳақида маълумот хабар берилган эди.

СССР Министрлар Советининг Англия-Совет Шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ва Франция-Совет Шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги тақдирини яқинда қараб чиқилажати мубоабати билан СССР Олий Совети Президиуми мажур тақдирлар юзасидан ўз фикрларини бериш учун СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияларига топширди.

АРКТИКАДАГИ КУЧИБ ЮРУЧИ СТАНЦИЯЛАРИНИНГ КОМАНДАЛАРИ МОСКВАГА КЕЛДИЛАР

22 апрельда Москва қўнчи юручи пажимий станциялар — «Шимолй кутб — 3» ва «Шимолй кутб — 4» станцияларининг қатнашчиларини кутиб элди.

Самолётлар учиб келадиган пайтгача саноат қорхоналарининг ишчилари, Ленин Флоти министрлигига қарашли пажимий-төкшириш институтларининг ходимлари, мактаб ўқувчилари Внуково аэродромига тузилдилар.

Москвада 49 қўнчи келди. Булар орасида қўнчи юручи станцияларининг бошқилари Трешников ва Толстиков ўртоқлар, гидролог ўртоқ Навков, радиот ўртоқ Курков, аэролог ўртоқ Силин, врач ўртоқ Волович ва бошқалар бор.

Аэродромда ўтказилган митингда Трешников ва Толстиков ўртоқлар путқ сўзладилар. (ТАСС).

Андижон области чигит экиш планини бажарди

АНДИЖОН, 23 апрель. (ЎзТАГ). Андижон областининг қолхоз ва совхозлари бутун чигит экиш планини бажардилар. Бутун масивларда чигит экиш биринчи марта торқаторлаб ўтказилди, пахта майдонларининг бешдан бир қисмида квадратлар қилинди.

Област пахтакорлари ҳозир ўзларининг куч-ғайратларини чигитни қийроқ ундириб олишга, ноқулай об-ҳаво шариоти оқибатларини тўғатишга қаратмоқдалар. Қатқалоқини юпаттиш учун «эки-эки» бориаларининг юзларча сепелари, хаскашлар, волокушалар, «твозека»лардан фойдаланилмоқда. Ёўза қаторларини ишлаб қизитилмоқдалар. Ҳозирда 11 минг гектар пахта майдонига култивация ўтказилди.

Област қолхозлари рўзани биринчи оқилантиришга тайёрланмоқдалар. Шу мақсад учун қолхозлар органик ўғитларини ўзидангина ярим миллион тонна таёрлаб қўйилар.



Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларини зўр маъмурий билан қўнчи олдилар. Суратда: Чинос районидаги «Қизил Октябрь» қолхозининг далачилик бригадасида агитатор ўртоқ У. Жўраев Чақириқларини қолхозчиларга ўқиб бермоқда.
В. Салов фотоси.

Машинасозлар ғайрати

Ўзлар министрлигига қарашли машинасоз заводидаги меҳнатсевар ишчилари ва инженер-техник ходимлари майида социалистик мубоабасига қўнчи, яхши натижаларга эришмоқдалар. Қорхона коллективи 1 кварталда пландан ташқари бирнеча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Машинасозлар партия Чақириғига жавобан меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш учун икки резервлардан унумли фойдаланмоқдалар. Байрамиди мубоабқа-

сида қорхонанин 3-чи ва 4-чи цех коллективлари олдинда бормоқдалар. Илғор ишчилари А. Рибальченко, Н. Абдуллаев, Е. Воробьев каби ўртоқлар меҳнат вахтасида туриб, смена топширигини 250 — 300 процентга етказиб бажармоқдалар.

Шу кунларда машинасозлар 1 Май байрамининг меҳнатда янги ютуқлар билан қўнчи олиш учун социалистик мубоабани тобора кент қулоқ ёйдирмоқдалар.

Ф. УСМОНОВА.

Партиянинг чақириғига жавобан

ШҒРАЛISOY қишлоғи. 22 апрель (ЎзТАГ). Октябрь районидеги Л. М. Каганович номи қолхозининг Т. Ҳакимов бошлан пахтачилик бригадасининг а'золари шу кунларда айниқса баланд руҳ билан ишлаётдилар.

— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети бизларни дала-ларнинг ҳосилини оширишга чақирмоқда, — дейи ўртоқ Т. Ҳакимов. — Бунинг учун биз чигит экишни тез ва сифатли қилиб ўтказишимиз, чигитни тежас ундириб олинмишга ҳосил. Бу — гектаридан 55 центнер ҳосил олишни та'минлайдиган муҳим шартлардан бириди.

Бригадда биржитиб қўйилган майдоннинг дегарди яримга чигит квадрат уялаб экилмоқда. Экин агрегатининг экишга пухта ишламоқда. Тажрибали тракторчи Барот Турапов 350 метр узунлигидеги майдонни бир марта ўтиш учун атиги 4—5 минут вақт сарфлайди, ҳоло. Сим тортуни Қадҳор Абдурахмонов ва контролёр Йўлдош Абдурахмонов режа симини киб жойдан яқинчи жойга минит ишлаб қўчиқмоқдалар.

— Биз, КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларига жавобан иш унумини 9 гектаргача етказамиз, — дейди ўртоқ Турапов.

Қолхоз партия бюроси шу кунларда ҳамма далачилик бригадаларида ва чорвачилик фермаларининг ходимлари ўртасида 1 Май Чақириқларини баланд овоз билан ўқиб беришни ташкил қилмоқда.

Большевикалар, голибона кўзголон жара
нида чор самодержавияси агардир таъли
ниши ва кўзголон органи ҳамда проста
иат ва деҳқонларнинг революцион-дикта
турасини амалга ошириш янги ҳокимия
органи бўлган муваққат революцион ҳуку
мат тугатилиши керак, деб ҳисобаланилар
Менин, РСДРП шундай муваққат револю
цион ҳукуматни қўллаб-қувватлаши ва
қўзи бу ҳукуматга иштирок эттиши керак
деб талаб қилин

